

Халқ манфаатларига хизмат қилиш — устувор вазифа

Янги сайланган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг фаолиятига ҳам ярим йил бўлди. Парламент қўмиталари учун амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш, дастлабки хулосалар чиқариш ва ўз режаларига аниқлик киритиш вақти келди.

Шу ўринда таъкидлаш керак, Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ўз фаолиятини режа асосида ташкил этиб бормоқда.

Чунончи, қонун ижодкорлиги йўналиши бўйича қўмита томонидан жорий йилнинг 6 ойида 10 та қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасида қабул қилишга тайёрланди. Қайд этиш жоиз, ҳар бир қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида нафақат мутасадди вазирлик ва давлат идораларининг таклифлари, сиёсий партиялар фракцияларининг позициялари, балки жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилиши натижалари ҳамда тегишли жамоат ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотларининг фикр ва таклифлари ҳам инобатга олинди.

Эътиборлиси, қабул қилинган қонунлар қаторида мамлакатимизда узоқ вақтдан бери яшаб келаётган, лекин Ўзбекистон фуқароси ҳуқуқий мақомига эга бўла олмаётган 50 мингга яқин шахсларнинг ушбу муаммосини ҳал этишга қаратилган “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Қонун ҳам бордир.

Ўтган давр мобайнида қўмита томонидан маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг ишончли ҳимоясини таъминлашга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам тайёрланди. Хусусан, жиноят-ижроия қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси доирасида ишлаб чиқилган ушбу қонун ўз ичида маҳкумларни шахсий хавфсизлигини таъминлашга, уларни рағбатлантиришда жамоатчилик ролини оширишга, вояга етмаган ва маҳкумларга ва маҳкума аёлларга қўшимча ҳуқуқлар беришга қаратилган нормаларни қамраб олган.

Шу билан бирга, қўмита томонидан халқаро шартномаларни ратификация қилиш ва уларга қўшилиш юзасидан 2 та қонун лойиҳаси ҳам Қонунчилик палатасида кўриб чиқиш учун тайёрланди.

Маълумки, парламент қуйи палатасининг мутлақ ваколатларига сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги у ёки бу масалалар юзасидан муҳим қарорлар қабул қилиш ҳам киради. Жорий йилнинг апрель ойида Қонунчилик палатаси томонидан Ўзбекистон Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлигига оид масалани ўрганиш жараёнида ҳам қўмита бевосита иштирок этди. Жумладан, қўмита томонидан халқаро ҳамкорлик ҳамда мудофаа ва хавфсизлик масалаларига оид миллий қонунчилик базаси, ушбу иттифоққа оид шартнома ва тегишли ҳужжатлар ўрганилди, иттифоққа аъзо бўлган давлатлар билан Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси тўғрисидаги божхона статистикаси маълумотлари таҳлил қилинди, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари иштирокида муҳокамалар ўтказилди. Ўрганиш

натижалари асосида кўмитанинг тегишли хулосаси тайёрланиб, Қонунчилик палатасида ушбу масала бўйича тузилган Ишчи гуруҳга тақдим этилди.

Парламент назорати йўналишида кўмита томонидан 3 маротаба жойларда қонун ҳужжатларининг ижроси ҳолати ўрганилди. Жумладан, кўмита аъзолари томонидан Хоразм вилоятида “Мудофаа тўғрисида”ги Қонун ижроси, Бухоро ва Тошкент вилоятларидаги чегара божхона постларида Президентимизнинг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инкироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида белгиланган вазифалар бажарилиши, Самарқанд вилоятида аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорларни қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этиш борасида секторлар томонидан амалга оширилаётган ишларнинг ҳолати ўрганилди. Барча ўрганишлар натижаси бўйича видеоконференц алоқа ёрдамида соҳа раҳбарларининг ахборотлари эшитилди ва муҳокама этилди, тегишли қарорлар қабул қилиниб, назоратга олинди.

Маълумки, Давлат бюджети даромадлари асосий қисми солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобидан шакллантирилади, яъни солиқ тўловчилар, кенг маънода, сайловчилар ва оддий фуқаролар ҳисобидан. Демак, парламент томонидан Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш, маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга. Жорий йилнинг ўтган даврида кўмита йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2019 йил ҳамда 2020 йил биринчи чорагидаги яқунлари ижроси бўйича Молия вазирлиги раҳбариятининг ахбороти эшитилди. Эшитув давомида ҳарбий соҳага, аҳолини озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга ажратилган бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги, ушбу масалаларда йўл қўйилган камчиликлар алоҳида муҳокама этилди, вазифалар белгилаб олинди.

Фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш, уларда кўтарилган масалаларни ечимини топишга ҳаракат қилиш фаолиятимизнинг муҳим йўналишларидан бири саналади. Ўтган даврда кўмита томонидан кўриб чиқилган 358 та мурожаатларнинг аксарият қисми давлат бошқаруви ва суд органлари фаолиятига, ўз ҳуқуқларини тиклаш масаласига оид мурожаатлар бўлса, яна бир қисми эса таклифлардан иборат. Таклифлар мазмунига кўра, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти юксалаётгани, қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши жараёнларига дахлдорлик ҳисси ортаётгани, амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан фуқаролик позицияси шаклланиб бораётганлиги яққол сезилмоқда.

Шу билан бирга, янги қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш, жойлардаги муаммоларни аниқлаш мақсадида кўмита аъзолари томонидан фуқаролар билан бевосита сайлов округлари, меҳнат жамоалари, ҳарбий қисмлар ва олий ўқув юртларида учрашувлар ташкил этиш тизими йўлга қўйилди.

Албатта, қўмитанинг олти ойлик фаолияти давомида муайян ишларни бажаришга эришдик, лекин ҳозирги коронавирус пандемияси билан боғлиқ мураккаб вазиятда, жамиятимиз томонидан зудлик билан ҳал этилиши лозим бўлган масалалар кун тартибига қўйилаётган вақтда булар етарли эмас. Бугунги воқелик мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни тезкорлик билан ҳуқуқий жихатдан таъминлаш, қонун лойиҳаларини тайёрлаш, қонунлар ижросини назорат қилиш ишларини янада юқори сифат даражасига олиб чиқишни тақазо этмоқда.

Эркин САЛИХОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг
Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси.